



Соҳибқирон Амир Темурнинг улмас қадриятини тиклаш, беназир шахсиятини абадийлаштириш, қадр-қимматини жой-жойига қўйиш борасида қилнаётган тарихий ишлар нафақат бугунги кун, айти пайтда келгуси авлодларимизнинг маънавий тараққиётига ҳам кўзал абалга оширилмоқда.
Ислом КАРИМОВ.

Баҳши дўмбирасини чертиб қўйлапти: «Чархи гардун айланаворади. Шу чарх билан дам пастга тушамиз, дам тепага чиқамиз. Зеро умр дегани пасту баланд доволардан ошми демакдир. Ҳар бир ошиб ўтилган довол тарих бўлиб ортда қолади. Тарих нима деган сўз? Тарих жоиз бўлса, у умрлар солномасидир. Ерғу, нури излар ҳам, қаро кулар ҳам унда ҳақиқат ва адолат билан жойини топган-дир».

Соҳибқирон Амир Темур инсоният тарихидаги сўнмас юлдузларнинг энг ёрқини. Қудратли давлат барпо этган, қаҳри ва меҳри билан шу улкан салтанатни мустаҳкамлаган бу улғу зот ҳақида кўплаб китоблар ёзилган, ёзилляпти. Амир Темурнинг образини ҳаёти билан барча баробар қилади. Ушбу ишнинг тўлалигича қаламга олак, биламиз неча жиллик асар бўлиб бўлади экан. Биз ҳурматли муштарийларимизни соҳибқирон ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти солномаси билан таништириш ниятидамыз.

1336 йил
Темурбек 9 апрелда Шахрисабзга қарашли Ҳўжа Илғор кишлоғида таваллуд топти. Табарук китобларда, хусусан Салохиддин Тошкандийнинг «Темурнома»-сида ёзилишича: «Қай вақт етди қавкаб толейи саратонда жадий буржинда маънада бўлса қирон бўлурлар. Шундай вақтда ўғул вуҷудга келса, толейи масъуд ўлур. Шу соатда тангри таборақ ва таоло оламини яратибдур... Айтабдиларки ун ўғул шу соатда туғилди. Аввал Юсуфлар Зулқарнайн ҳазратлари афандимиз, иккинчи Муҳаммад Расул Акрам салаллоҳу алайҳи васаллам сайидимиз, учинчи Амир Темур Кўрогон хонимиз».

1360 йил
Темурбекнинг отаси Тарағой Баҳодир вафот этди.
1361 йил
Темурбек Мовароуннаҳрни босиб олган Мўғулистон хони Туглук Темурхон (1348 — 1363) хизматига бўлди.
1362 йил



Солнома
БЕТАҚРОР УМР ПИЛПАПОЯЛАРИ

Темурбек Моҳонда туркман Алибек Жонқирбоний кўлида туқулганда (62 кун) яшади.
1363 йил
Темурбек амир Хусайн билан биргаликда Секистон ҳокими Малик Кутбиддиннинг таълифи билан ёрдамга борди. Зуррак қалъаси учун бўлган урушда ўнг қўли ва ўнг оёғидан ярадор бўлди.
Темурбек ва амир Хусайннинг сай-ҳаракати билан мўғуллар Мовароуннаҳр тупроғиндан суриб чиқарилди. (1363 йил куз фасли).

1364 йил
Самарқандда қурултой чакрилди. Дуржи ибн Илчиғидой ибн Дуванов Чингаой улусида хонлик маснадига ўтказилди. (20 март) Шу муносабат ила Темурбек билан амир Хусайн ораларига низо тушди.

1365 йил
Мўғулистон хони Ибёсқужон (1363 — 1369) катта кўшин билан Туркистон билан Мовароуннаҳр устига бостириб кириди (апрель).
Чиноз атрофида мўғуллар ҳамда Темурбек билан амир Хусайн қўшинлари ўртасида катта уруш бўлди. Иттифоқчилар (Темурбек билан амир Хусайн) мағлубиятга учрадилар (22 май). Бу уруш тарихда «Жанги лой» деб аталади.
Мўғуллар Самарқанд остонасида. Шаҳарда жониятнинг сарбадорлар уш қўлларига олдилар. Шаҳар халқи сарбадорлар етакчилигида мўғулларни тор-мор келтирдилар (май охири).

1366 йил
Сарбадорларнинг бошлиқлари Абубакир Калавий ва Хурдак Бухорий амир Хусайннинг амри билан ўлдирилди. (Баҳор.Кониғил).

1366 — 70 йиллар
Темурбекнинг завжайи муҳтарамаси Туркун ого вафот этди (1366 й. Кеш).

Темурбек билан амир Хусайн муносабатлари борган сари ёмонлашди.
Темурбек мўғуллар билан курашини давом эттирди.

1370 йил
Суюрғатмиш ўғлон хонлик маснадига ўтказилди (1 апрель). Кўжи Шодийн, Балх вилояти).
Хиндуван қалъаси (Балх) Темур қўшинлари тарафидан қуршоб олинди (9 апрель).
Амир Хусайн қатл этилди (12 апрель).
Самарқандда катта қурултой чакрилди. Темур давлати ташкил топа бошлади. (июнь).

1370 — 80 йиллар
Мовароуннаҳр ва Туркистонда феодал тарқоқликка барҳам берилди. Мамлакат бир давлат бўлиб бирлаштирилди бошланди.

1371 йил
Хоразмга Алуфа тавочи бошлиқ элчилар юборилди (март).
Хоразмга шаҳулислом Жалолддин Кеший бошлиқ иккинчи бор элчи юборилди (март охири). Элчи зиндонбанд этилди.
Мўғулистон устига, амир Қамариддинга қарши қўшин юборилди.

Хоразм устига биринчи юриш (апрель) бўлди.
Амир Темурнинг пири Саййид Амир Кулол (Шамсиддин Фахурий) вафот этди (Кеш).

1373 йил
Хоразм устига иккинчи юриш (февраль, март) бўлди.
Амир Мусо, Зинда Чашм ва Абу Исҳоқ Амир Темурга суқикасд уюштирилди (Азүж ариғи, Туркистон, май).

1375 йил
Хоразмга учинчи юриш (июнь-июль).
Амир Қамариддинга қарши Мўғулистон устига қўшин юборилди.

1376 йил
Мўғулистон устига катта юриш бўлди.
Шоҳи Зиндада Туғулқ Текин макбараси қурилди. Амирзода Жаҳонгир оғир касалликдан кейин вафот этди.
Оқ Урда устига, Урусхон (1361 — 1376)га қарши қўшин юборилди.

1377 йил
Мўғулистонга, амир Қамариддинга қарши навбатдаги юриш бўлди.
Амирзода Шохруҳ дунёга келди.

1378 йил
Боғи Баҳишт қорбоғи ва қасри қурилди. Тўхтамиш ўғлон Урусхондан енгилди, яна Самарқандга Амир Темурдан ёрдам сўраб келди.

1379 йил
Амир Темур Хоразм устига туртинчи марта юриш қилди (февраль).

1380 йил
Шахрисабзда Оксарой қасри қурилиши бошланди.

1381 йил
Амир Темурнинг Хуросон устига юриши бошланди. Хирот, Жом, Кавсия, Марв ва Сабзавор ишғол қилинди (март-апрель).
Сарбадорлар сардори Али Муайяд Темур ҳузурига келди. Унга иззат-икром кўрсатилди, Сабзавор ўзига қайтариб берилди.

1381 — 82 йиллар
Амир Темурнинг қизи Ута бегим тўсатдан вафот этди (қиш фасли).

1382 йил
Хуросонда амир Валибек ва Алибек Жонқирбоний исён кўтарди. Амир Темур исённи бостириш учун қўшин тортиди (январь).
Севистонда Шох Кутбиддин исённи. Амир Темур унга қарши қўшин тортиди. Қандаҳор бўйсундирилди.
1384 — 1385 йиллар
Амир Темурнинг Эронзамин устига қилган икки йиллик юришидан сўнг, Мозандарин, Рустамдор ва Султония бўйсундирилди.
1386 — 1388 йиллар
Эронзаминга қилган уч йиллик юриш натижасида Исфохон, Ҳамдон вилоятлари ҳамда Озарбайжон бўйсундирилди.

Ҳар бир халқнинг буюклигини, тарихини яратишга улушини қўшган буюк шахс, буюк сиймо бўлиб ашаган фарзандларининг номлари, ишлари белгилаб беради. Ана шундай сиймолардан бири, миллатимизнинг шуури, гурури, қадриятини ўзида мужассам этган Амир Темурдир.

1991 йил 1 августда, эндиликда «Туркистон» номи билан чиқаётган газета қошида «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» халқаро илмий экспедицияси ўзининг Низоми, дастури, аъзолари бўйхатига, хуллас, барча керакли ҳужжатларига эга бўлиб, қарор топди.

Экспедициянинг илк сафари ўша йили 3 август кунини Қашқадарё вилоятидаги қадимжоларни зиярат қилишдан бошланди, 16 кун давом этди. 20 кишидан иборат экспедиция Амир Темур туғилган Ҳўжа Илғор кишлоғига келиб, соҳибқиронни ёд этиб, аҳолини йиғди. Ўз хисобидан юртта ош берди, саркарда руҳига тилловатлар бағишланди. Уша ердаги қадимжолар қанчалик Амир Темур номи билан боғлиқ эканлигини аниқлади, анчагина янги маълумотлар тўплади. Уша сафарда Фарго-

на, Жиззах, Самарқанд шаҳарларидаги ханузганча номаълум қадимжолар ҳам аниқланди, топилди.
...Ҳаётда гаройиб тасодифлар қўп бўлади. Шуниси қизиқ-ки, гуруҳнинг сиймолардан бири, миллатимизнинг сафари тугаб, барча Тошкентга кириб келган кунини Президентимиз юртимиз мустақиллигини эълон қилди.



Кейинчалик экспедиция яна бир неча сафарга чикди. Қозғостон бўйлаб Соҳибқирон билан боғлиқ жойларда бўлди. Уттор, Туркистон, Темирқилшқ, Амир Темур босиб ўтган йўлларда экспедиция аъзолари юрак экан, барчанинг назарига бу буюк сиймонинг руҳи раҳнамо бўлгандай туюларди.

Кейинги сафар Тожикистон, Фарғона водийси, Қирғизистон диёрла-

рига бўлди-ки, Амир Темур Фарғонада ўндан ортқ (Сафед Булок, Биби Увайдо, Пошшо пирим, Бустон бува ва бошқалар), Тожикистонда Шайх Муслихиддин, Қирғизистонда Султрон макбараларини қуриб, Сирдарё бўйида 4 та қалъа-шаҳарларни (Ахсикент, Хўжанд, Шохруҳия, Чиноз) мустаҳкамлаганлиги, шу томонларда

та вазифа қилиб қўйдик. Ўсиб келаётган авлодга миллатимизнинг фахри ва гурури бўлган, гоъий етакловчиси, фидойи йўлбошчиси бўлган Амир Темур ҳақидаги билим ҳозирасини янада бойитиб етказиш олий мақсадимиз эди, — дейди экспедиция раҳбари Фахриддин Ашрафхўжаев.

Илмий экспедиция ишида тарихчи олим, профессор, Беруний номидаги Республика давлат муқофоти соҳиб Ашраф Аҳмедов, тарих фанлари доктори, А. Авлоний муқофоти совриндори Ҳамдам Содиқов, тарих фанлари номзоди Турғун Фаизиев, профессор Малик Муродов, профессор Усмон Қорабоев, доцент Мурод Мирзаев, «Камолот» жағфармаси котиблари Боймурод Юсупов, Алишер Эшонқулов, шоира Фаридат Усмонова ва бир қатор бошқа иходкорлар фао-

лик кўрсатдилар.
Ҳозирги кунда «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» Халқаро илмий экспедицияси «Камолот» жағфармаси қошида фаолият кўрсатмоқда. Экспедиция Фарғона водийси бўйлаб кезганида улғу саркарда Фарғонада ҳам бўлганлиги, хатто Қосонсойдаги Жоме маҷидида намоз ўқиганлигини аниқлади. Бу ҳали ҳеч қаерда қайд қилинмаган фактларнинг бири.

Ҳозирги кунда экспедиция 10 серияли ҳужжатли фильм учун материал тўплаган. Бу манбаларнинг қўпи фан оламига ҳали маълум бўлмаган фактлардан иборати, улар тарих саҳифаларини бойитиши мўқаррар.

Экспедициянинг режалари савобли ва катта ишлар қилишдан иборат. Уйлаймики, эндиликда янги ташкил этилган ёшларнинг «Камолот» жағфармаси ўзининг тасарруфидан бўлган бу илмий гуруҳни, унинг фидойилик билан бажараётган муқаддас фаолиятини қадрлаб, ёрдам қўлини чўзади. Чунки бу экспедиция ўз олдига қўйиб, бажараётган ишларда нафақат бир гуруҳ, балки бутун бу йиллат, қолаверса, умумжаҳон маданиятига тааллуқли улғу мақсадга интилиш бор.
Маҳмуда МУҲАМЕДОВА.



«Совпаститал» қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари юртимизда ўтаётган ҳар бир байрам ва тантана учун махсус совғалар тайёрлашади.

БИР УМРГА ЭСДАЛИК
Суратли павҳа

Миллий байрамларимизда урф-одатларимизни акс эттирувчи буюмлар тайёрлаймиш, тарихий сиймоларни ўз махсус лотимизда тасвирлаймиш, — дейди қорхона раҳбари Александр Мелкумов.
— Бобур ва унинг давридаги миниатюралар, Улуғбек ижодида бағишланган совғаларини дастлаб чиқарганимизда улар харидорларга маъқул бўлган эди. Шундан сўнг фақат пластмассадан ёки полиэтилен пленкалардан махсуслоб тайёрлагани қўлай бугунги кунда юқори сифатли чинни махсуслобларидан эсдалик совғалари ишлаб чиқарилади. Улардан бирида Амир Темур отадаги тасвири ифодаланган бўлса, иккинчисиде Соҳибқирон тахтада ҳузурга ташириб бурунчиларни қабул қилаётган вақти акс эттирилган. Шунингдек, умта турда лаганга Амир Темур сиймоси туширилди. Рассом-минияторчи Таслим Қорбаевнинг ягона нускада тасвия этган иши ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.
Амир Темурнинг отадаги сиймосини чиннида акс эттириш устида италиялик машҳур уста Кортозе Жермоно шоғирдлари Юрий Аристов ва Олег Седовлар билан ишлади. Шунингдек, рассомлар уюшмасининг раиси Баҳодир Жалоловнинг лойиҳаси иши-мизнинг сифатли чиқишига катта ёрдам берди.
Чинни буюмларда акс эттирилган тасвирлардан ташқари Амир Темурнинг босиб ўтган йўллари харитаси ва Соҳибқироннинг отадаги тасвири полиэтилен

ШЕРОЗ АФСОНАСИ

(Ривоят)
Ҳазрати Соҳибқирон, Амир Темур Кўрагон. Кезиб Мулки Хурсон. Энди Шероиз макон. Бироз тўхтаб Шероизда, Аваз бериб эла ош. Шаҳар бошлиқлари-ла, Қурбиди улкан кенгаш. Кенгашдан сўнг чопарлар Йўлбарлар Ҳофизни. Тилка-мадори қурган, Яхши-ёмонни қурган Дарвиш чили чопарлар, Темур олдига мақдон Келтирилар ўша он... Амир Темур Кўрагон Қамб дарвиша хайрон, Дебди: «Ай дарвиша чол, Сендан сўрай бир савол: Селманан ўша шавр? Асар он турки Шероиз Ба даст орад ошди маро, Ба хал хондунни бахнам Самарқанд-у Бухоро» Байтларини ёзан ботир?! Не машаққатлар ила Қурган қўш шаҳарини, Қалбади шаҳарини, Лойб жаваҳирини, «Кўжи Пур»-дек дурмиш. Ҳам фахру гуруҳини, ҲА муқаддас мазоини, Самарқанд — Бухорони Бир гузалинг халаса Непиб ишон эмтишсен? Шунчалик гурур ила Сен ўзиган кеммишсен!... Сўгра Шероизинг суви Ширинзабон булбул, Жавоб айтаб ўша он Дебди: «Эй, Соҳибқирон! Мен ўзим — ўша Ҳофиз, Ширинзабон!» Ширинзабон булбул, Ҳам булбул хушилол!... Айлаб ишор табассум, Шундай қилди тақаллум: «Эй улғу Соҳибқирон, Сўзларинг ростдур, ишон! Зебопарастимиздан, Кўнгли отаилганидан Тундим шундай аҳвола, Дарвишамо бир ҳола. Шероизинг гузаллари Бағоят эрур жонон. Уларинг бир ҳолага Камалқ қилур бахш этсам, Хаттоки тамоғ жаҳон!... Чиқариб баланд овоз Темур қаҳ-қаҳ урди боз: «Рост сўзингга эй ишон, Офарин дейман бу он» Сўгра Темур Кўрагон, Оқхазрат Соҳибқирон, Хофиздан бўлиб хурсанд, Энди номин сарбаланд. Жўшиб хийматини тамоғ, Қилди тухфалар ишон...
Ориф УСМОН.



Республика Вазирлар Маҳкамасининг Темирийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисидаги қарори барча иходкорлар қатори мамлакатимиз мусавирларига ҳам чексиз илҳом бағишлади. Рассомлар, ганчкорлар, нақшошлар барчаси бир тану бир жон бўлиб, ишга киришдилар. Бу ҳақда Республика рассомлар уюшмасининг раиси Тоҳир Миржалилов ҳикоя қилиб берди.

— Музейда «Усто» бирлашмасининг қўли гул мусавирлари, нақшошлари фидоқорлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Уларнинг қилган ишларини музейга ташириб буюрганлар кўриб, офаринлар айтмоқдалар.
Бундан ташқари Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов мустақилликка бағишланган улкан, ажойиб асарини ниҳонга етказди. Р. Солижонов ҳамда Н. Шораҳимовлар ўзларининг Амир Темурга бағишланган асарларини музейга топширдилар. Айниқса, Алишер Аликулов мўйқаламига мансуб суратлар томошабинини ўзи-

га тортмай иложи йўқ. Умуман, мусавирларимиз музей фонди учун 40 та асар ишламоқдалар. Уларнинг барчасида буюк соҳибқироннинг ҳаёт қирралари ёрқин бўёқларда акс этади.
— Тоҳир ака, Амир Темурнинг 660 Кўргазмалар

ЁРҚИН БУЁҚЛАРДА

йиллигига бағишлаб катта кўргазма ташкил қилиш ҳақида гапирган эдингиз...
— Рассомларимиз маънавият ва маърифатни юксалтириш йўлида катта саъй-ҳаракатлар қилмоқдалар. Ватанимизнинг шонли ўтмишини тасвирий санъатда муҳаббат билан акс эттириб келганлиги аниқ мўддао бўлмоқда.
«Хамар» халқаро алоқадор маркази

ҳамда уюшмамиз томонидан ташкил этилган кўргазмада ҳозир 300 дан зиёд ранг-тасвир, графика, халқ амалий санъати, ҳайкалтарошликка оид асарлар намойиш этилмоқда. Кўргазма соҳибқирон юбилеи арафасида ишга тушди. Асарларда Амир Темур портретлари, сермазмон ҳаёти, тарихий воқеалар тиниқ бадий чизгиларда тўлақонли акс эттирилган.

— Кўргазмада қайси рассомларнинг асарлари бор?
— Ўзбекистон халқ рассоми Малик Навиевнинг ҳар жиҳатдан етук бўлган портретлари, талантли мусавир Акмал Икромжоновнинг «Амир Темур портрети», Темур Жамолиддиновнинг «Навоийнинг «Хамса»ни Хусайн Бойқарога тортиқ этиши» ҳамда Ҳикмат Жалилов, Жавлон Умарбеков, Фофур Абдураҳмонов, Ортикали Қозқовларнинг портрет, сюжетли асарлари томошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Умуман, кўргазмага қўйилган ҳар бир асар ҳақида, ҳар бир муаллиф ҳақида батафсил гапириш мумкин.

Бухром ТОҶИЕВ ёзиб олди.

майди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.
қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорининг ҳўкмига топшир.
❖ Чораси бўлмаган ишга қилган душманлик йўлини қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорининг ҳўкмига топшир.
❖ Чораси бўлмаган ишга қилган душманлик йўлини қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорининг ҳўкмига топшир.

Пурмаъно ўғитлар
Буюк бобомиз дейдипарки:

❖ Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиб, азия қатий, тадбиркор ва хўшёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.
❖ Бир ишга киришмай туриб, ундан қўтилиб чиқиб йўллари мўлжаллаб қўй.
❖ Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир турғи тадбир билан амалга ошириш мумкин.
❖ Кимки менга келиб қўшилса улугданди, кимки мен билан курашмоқчи бўлса йўқлади.
❖ Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.
❖ Раият аҳолидан огоҳ бўлмайд, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.
❖ Агар душманини бош уриб паноҳинга келса, раҳм қилиб, яхшилик ва муруват кўрсат.
❖ Душман сендан муруват ва хайр-эхсон кўрсая яна

гулшани обод бўлади.
❖ Лоқанининг учарга мадори келмаса, чумчўкка масхара.
❖ Душманини қулгани — сирининг билгани.
❖ Туя минган одам қўй орасига бекинмас.
❖ Қўлга қилч олган баҳона кидирмайди.
❖ Кеҳира олишлик — мардлик, кеҳира билмаслик номардлик саналади.
❖ Қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган.

❖ Кудратимизга шак-шўб-хангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг.
❖ Адоват эмас — адолат ен-гади.

❖ Адал эҳсон билан жаҳон

«Китоб (битик) — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва акл-идрокнинг, илму доширининг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир» деган эди буюк боқалониниш Амир Темур. Китоблар замон тўқилмида сузувчи ва ўзининг қимматбаҳо юқини авлодлардан авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир. Яхши китобларни ўқиш ўтмиш замонларнинг энг доно кишилари билан ҳамсухбат бўлиш демокдир. Шарқнинг буюк олим уфозиллари бутун ҳаётлари давомида китоб шайдоси бўлганлар, билим хазинаси — кутубхоналар ташкил қилиб, уларда минглаб ноб китоб ва қўлёзмаларни эхтиёткорлик билан сақлаб келганлар.

Буюк давлат арбоби ва ҳарбий саркарда Амир Темур ҳам ёшлигидан, илмига, китобга зўр қизиқиш билан қараган ва ушунга даврининг машҳур китобларини мутолаа қилиб, ўз билимининг ошириб, шундай буюк бир даражага кўтарилган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «Етти ёшга тўлганимда мени мадрасага олиб боришди ва қўлимга сўзлар жадвалини беришди. Мен ўқий бошладим ва эришган муваффақиятларимдан беҳад хурсанд бўлдим. Мен 9 ёшга тўлганимда намоз ўқий бошладим ва мадрасадаги барча ўқувчилардан устун бўлиб олдим».

Амир Темур она юрти Шаҳрисабани ўз даврида Урта Осиёнинг маънавий марказларидан бирига айлантирмоқ мақсадида унга алоҳида эътибор билан қаради. Мадрасалар қурдириб, уларда илоҳий билимлари билан бирга, илми аруз, тарих, фалсафа, риёзиёт, ҳандаса, тиббиёт, илми ҳайбат каби дунёвий билимларни ўрганишга шариоитлар яратди. Шу боисдан ҳам кейинчалик бу шаҳар «Ахлоқ ва илм гўмбаз» деган унвонга эга бўлганлиги бежиз эмас. Амир Темур Шаҳрисабда кутубхона барпо этди, унда ноб кўлёзма асарлар ва нодир китобларни тўплади. Кейинчалик Самарқанд Амир Темур давлатининг пойтахти бўлган, у асосий эътиборини шу ерга қаратди.

Амир Темур даврида Самарқандда барпо этилган кутубхона ер юзидagi энг яхши кутубхоналардан бири саналган. Амир Темурнинг Тезакўрғон қалъасида жойлашган Кўксаройдаги кутубхонаси ана шундай бой кутубхона бўлган.

Амир Темурнинг мамлакатларга юришлари даврида қўлга киритган бойликлар ичида Хинд, Месопотомия ва Шарқ мамлакатлари олимларининг ноб ва буюк асарлари ҳам ўлжа сифатида Кўксарой кутубхонасини бойитган. Темур юришларининг замондoshi бўлган бир арман тарихчиси бундоқ ёзган эди: «Темур Арманистон билан Гуржистонни забт этти вақтида арман ва форс китобларини қанча топа олса, ҳаммасини Самарқандга жўнатди ва у ерда китобларни бир минорага

жойлаштирди. «Минорадан китоб олиб чиққан киши қаттиқ жазоланади», деб қўрқитиб, китоб ўқишни истонидан сотиб юборилган, анча қисми эса талон-тарож қилинган бўлса, бир қисми Урта Осиё хонлиқлариди пойтхт шаҳарларда амир ва хонлар ҳамда зодагонларнинг кутубхоналарида сақланган. Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкент ва Шаҳрисабдаги мадрасалар қошидаги ҳамда айрим мансабдор ш

пайдо бўлди. Жумладан, «Древние рукописи в Самарканде» (Туркистанские ведомости) 1870 йил 3-сонини, «Армянские предания об библиотеке Тамерлана» («Туркестанские ведомости» 1870 йил, 14-сон)да, «Библиотека Темура» — («Туркестанские ведомости», — 1873 йил, 44-сон), «Известия о древних рукописях в Самарканде» («Санкт-Петербургские ведомости» 1884 йил 179-сон), «Библиотека Темура» («Тур

кестанские ведомости» (1911 йил 24-сон).

1868 йили шарқшунос А. Л. Кун чор Россияси ҳарбий истилочи кўшинлари қисмида бўлиб, Самарқандга келди ва дарҳол Амир Темурнинг кутубхонаси қолдиқлари, Усмоннинг Курьонини қўлга киритиш, вақф ҳужжатлари ва нихот қадимий қўлёзмаларни зудлик билан тўплашга киришди. Темур кутубхонасининг ўзи ном — нишонси йўқолиб кетган бўлсада, лекин ундаги қўлёзмаларнинг бир қисмини маҳаллий аҳоли орасидан топиш мумкин, деган хулосага келди.

К. П. Кауфман 1868 йил 8 июнь кунги шаҳар аҳолисини босқинчиларга қарши кўтарган қўзғолонини бостириш ва қасос олиш учун эски шаҳар бозори, дўконлари ва айрим биноларни ёқиб юбориш ҳамда шаҳарни уч кун талон-тарож қилишга фармон берди. Бундай даҳшатли қарордан кейин эски шаҳардаги қўлаб тарихий бинолар ва улардаги сирли локувард қошинлар, уймакор эшиклар, устунлар, ҳужжатлар, қўлёзмалар ёниб қолган айланди.

«Самарқандда ёнган вақтида бухороликлар Темурнинг машҳур кутубхонаси қолдиқларини ёнғиндан кутқариб қолдилар ва уни Бухоро шаҳрига қўчириб келтирдилар. Ҳозир бу кутубхона Амрининг ертўласида уюлиб ётди, фойдаланиш учун ҳеч қимга рухсат берилмади. Ертўланинг намгарчилиги ва сичқонларнинг кемиришлари натижасида китоблар нобуд бўлмоқда.

Бундан ташқари Амир Музаффарнинг ўзи бунга эътиборсизлик билан қарайди, агар пил зарур бўлиб қолгудек бўлса, унда китобларни бозорга чиқариб аризмаган нарҳда сотади. Агар бундай аҳволга барҳам берилмаса, унда қисқа вақт ичида бутун кутубхонадан ҳеч нарса қолмайди», деб ёзди Россия ташқи ишлар вазири Осие департаментининг директори Н. Т. Стремоухов.

У амир Музаффар кутубхонаси таркибига Темур кутубхонасининг қолган-қутганлари кирган деб, таҳмин қилади.

1873 йили Евгений Шуплер Бухоро хонлиги кутубхоналари тўғрисида маълумотлар тўплаб, шундай хулосага келди: «Машҳур Темур кутубхонаси сақланиб қолган дейишимга энди менда асос бор. Бу ерда амир хазинасида жуда кўп турли тиллардаги китоблар мавжудим, уларнинг айримларини тили бухоролик муллоларга маълум эмас». Бухоро амирининг эски саройида қўлаб қадимий ва нодир қўлёзмалар борлиги тўғрисида маълумот ёзиб қолдирган.

1883 йили Самарқанд ва Бухорода бўлган Туркистон генерал-губернатори қошидаги алоҳида топшириқлар бўлимининг ходими полковник В. В. Крестовский ҳам ўзининг «Бухоро амирлигидаги меҳмоннавозлик» номли йўл хотираларида Амир Темур кутубхонаси ҳақида маълумот беради.

1870 йилнинг 6 апрелида Зарафшон Округи ҳарбий губернатори генерал К. Абрамов Туркистон ўлка генерал-губернатори ихтиёрига 7 та шарқ қўлёзмаларини тўплаб юборди. Унинг ичида «Тарихи Табарий», «Тарихи Мўқимхоний» ҳамда «Темурнинг подшоҳлик даври тарихи» ва бошқа ноб кўлёзма асарлар бўлган.

1870 йили пермлик йирик бой савдогар ака-ука Каменскийларнинг ишончли вакили Семён Лятин ҳам Зарафшон округидан Петербург кутубхонаси, Москва табиатшунослик жамияти ҳамда императорлик археология жамияти фойдаси учун 109 пуддан ортиқроқ турли хил археологик топиқмалар, кўп миқдорда қадимги шарқ қўлёзмалари ва ноб китобларини олиб кетди.

Юртимиз 70 йил мустабид тузум даврида ҳам олдинги чор Россияси сийсатининг қурбони бўлиб келаянми. Бу вақтга келиб, қўлёзма, тошбосма ва ҳужжатлар тақдирига муносабат ўзгармади. Фақатгина республикамиз елкасида мустикалик қўбши нури теккач, ўтмиш меросимизга муносабат ҳам ўзгарди. Мустикал эш республикамизнинг дастлабки кунидан бошлаб қўлёзма ёдгорлигимизни ботини авайлаб-асраш, йўқолиб, исиз кетганларини қидириб топиш, уларни ҳақиқий ватанига қайтариш соҳасида тинмай гамхўрлик қилиб келинмоқда.

Дарвоқе, ноб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримининг муҳим бўлагини ташкил этади.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.



Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Миллатнинг улуг мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузуқларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг.
АМИР ТЕМУР.

1388 йил
Амир Темурнинг Хоразм устига қилган бешинчи юришдан сўнг Хоразм узи-кесил бўйсундирилди.

1389 йил
Тўхтамушхон тарафидан Саброннинг қамал қилиниши (февраль). Амир Темур унга қарши кўшин тортди (1 март) ва Олқушигача борди.

Амир Темур Мугулистон устига, Анқо тўрага қарши кўшин тортди (25 июль). Болиғ юлдуз олинди.
Хазрат соҳибқироннинг пири Зайниддин Тойбодий вафот этди (28 январь).

1390 йил
Хизрқўжа ўлган. Анқо тўра ва Мугулистонни бирёқлик қилиш хусусида Оқер (Шаҳрисабда) курултой чақирилди. Амир Темурнинг ўғай онаси Кадак хотининг вафот этиши.

1391 йил
Дашти Қипчоққа, Тўхтамушхонга қарши қатта ҳарбий юриш бошланди. (19 январь). Самара билан Чистополь оралигида ўринлашган Қўндузда деган ерда уруш бўлди ва Тўхтамушхон тор-мор келтирилди (13 июнь).

1392 — 1396 йиллар
Форс ва Ироқи араб устига қилинган беш йиллик юриш бўлди.

Қобул, Гази ва Зобулистон, яъни бир пайтлар Маҳмуд Газавий давлати таркибига кирган мамлакатлар амирзода Пирмухаммад Жаҳонгир (1376 — 1407) га улус қилиб берилди.
Беш йиллик юришининг бошланиши (9 июль).
Ўғулда (Бухородан чинида) хазрат соҳибқирон қаттиқ бетоб бўлиб қолди (23 июнь).
Форс ишғол қилинди ва Музаффарийлар сулоласи (1314 — 1393) тугатилди.
Бағдод шаҳри ишғол этилди (сентябрь ёли бошида).
Қора Юсуф туркман билан бўлган урушлар. Тақрир (1393 йил, 4 декабрь), Қирқук, Мусул, Дибрбрак ва бошқа бир

Солнома
БЕТАКОР УМР
ПИЛПАПОЯЛАРИ

неча қалъаларнинг бўйсундирилиши. Ал-Жазирага қарашли Хоммад (1394 йил, 1 июль), шунингдек, Арзирум, Илончик ва Ойдин ишғол этилди (1394).

Амирзода Умаршайхнинг Дибрбрак йўлда ўлдрилиши. Амирзода Муҳаммад Тарағой (Улугбекнинг таваллуд топиши (1394 йил, 22 март).

Амирзода Иброҳим Султоннинг туғилиши (1394 й. 28 август).

Амир Темурнинг Тўхтамушхон хузурига (у уша пайтда Оби Тўрқ номи билан машҳур бўлган Самур дарёси бўйида) лашкар тузиб ўлтирган эди), сулх тақлиф қилиб мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Олмақалқийни элчи қилиб юбориши. (1395 йил, киш ўртаси).

Тўхтамушхонга қарши юриш бошланди. (1395 йил, 28 февраль) Самур, Терек дарёси бўйида бўлган урушда Тўхтамушхон мағлубиятга учради. (1395 йил, 17 апрель).

1396 йил
Амир Темур Мовароуннаҳр сари йўлга тушди. Хазрат соҳибқирон йўлда (Октошда) бир ҳафта касалланиб ётди.

Форс, Сеистон ва бошқа вилоятларда исён кўтарилиши сабабли Амир Темур ва қўшинлар Эронзаимидан тўхтаб қолди.

Самарқандга қайтиш (июль охири).

1397 йил
Боғи Шамол ва Боғи Дилқуш чорбоғлари (ўртасида муҳташам қасри билан) бунёд этилди.

Хуросон ва Сеистон, то Фирўзқўҳ ва Рустамдорғача амирзода Шоҳрухга улус қилиб берилди.

Бойсунқур ибн амирзода Шоҳрух таваллуд топди. (16 сентябрь).

Конигилда яна бир чиройли чорбоғ қурилди. (1398 йилда Тўқал хонимга ишғол этилди).

1397 — 1398 йил қиш
Хазрат соҳибқирон қишда ушун Охангаронга келди. Яссига бориб Хожа Аҳмад Яссавий мазорини зиёрат қилди, уни таъмирлаш ва устига бир олий бино қуришни буюрди, мазорга вақфлар тайин этди.

Уша қишда Охангаронга кўп мамлакатларнинг элчилари келди. Улар орасида Хитой императорининг элчиси ҳам бор эди.

1398 — 99 йил. АПРЕЛЬ
Хиндистон муҳрабаси (1398 йил, апрель — 1399 йил, 27 апрель).

Боғи Бўлди чорбоғи бунёд этилди.
Хазрат соҳибқирон Хиндистондан қайтишда йўлда ўсаланиб қолди. Қўлда қаттиқ ханга ший пайдо бўлди (Хармис домини, 1399 йил, 21 март).

Боғи Чинор бунёд этилди. (1399).

Бибиҳоним Жомеъ масжиди қурилиши бошланди. (1399).

Ироқи арабда Султон Аҳмад Жалойир, Озарбайжонда қора кўнوليлар исёни, Шомда Сайфидин Барқук (1382 — 1399)нинг фаолияти (Султон Аҳмад Жалойир билан иттифок тузилди). Амирзода Мироншоҳ бўлмағур ишлар билан машғул бўлди.

1399 — 1404 йиллар
Ироқи араб ва Шом устига уюштирилган етти йиллик ҳарбий юриш (1399 йил, 10 сентябрь).

Амирзода Искандар бошлиқ Андижон лашкарининг Қошга бостириб кириши. Қошгар, Сарик қамиш, Қолин, Олакул, Ёқурон, Чақортоғ қамиш, Қинок боғ, Уч ва Оқсув ишғол қилинди (1399 йил, куз ўртаси).

Амирзода Мироншоҳ ва хамтовоклари жазога тортилди. (1399 йил, куз).

Гуржистон устига босқин (1399 йил, куз).

Халаб билан Димшиқ устига юриш бошланди (1400 й. 20 октябрь).

Қумис, Хом, Баалбек, Хулва ва Воситнинг олиниши (1400 йил, 20 октябрь).

Димшиқ ишғол этилди. (1401 й. 11 январь).

Уммавийлар масжидида (Димшиқ) Султон Маҳмудхон (1388 — 1402) ва Амир Темур номига гўбта ўқилди. (1401 йил, 17 январь). Уларнинг номи билан пул зарб этилди.

Димшиқдан қайтиш (1401 йил, 20 март). Йўлда хазрат соҳибқирон яна касаллашиб қолди. Бағдод иккинчи мартада ишғол этилди. (1401 йил, 20 июль).

Рум султони Бозид I Йилдирым (1389 — 1402) га қарши юриш бошланди. (1402 йил, 16 февраль).

Анқури (Андакар) ёнида уруш бўлди ва Бозид I Йилдирым тор-мор келтирилди. (1402 йил, 20 июль).

Султон Бозид I Йилдирым вафот этди. (1403 йил, 8 март, Оқшаҳар).

Роумда истиқомат қилувчи турган қора тоғторлар Мовароуннаҳр ва Туркистон худудларига қўчилди.

Гўри Амир мақбараси қурулиши бошланди. (1403 й.).

1404 йил
Амир Темур Самарқандга қайтди (10 июль). Хазрат соҳибқирон яна бетоб бўлиб қолди (июль, Самарқанд).

Кастилия, Миср, Византия ва Рум элчилари Самарқанд ёнидаги Миср шаҳарчасига келиб тушдилар (31 август).

Кастилия элчиси Руи Гонзалес де Клавихо Амир Темур тарафидан қабул қилинди (4 сентябрь).

Боғи Навда Кастилия, Миср, Шом, Византия, Рум ва Хитой элчилари шарафига зиёрат берилди (22 сентябрь).

Конигилдаги тўқ тоғторлар, Мирзо Улугбек уйлантирилди. (1404 йил, октябрь).

Хоразмий мамлакатлардан қолган элчиларнинг (Хитой элчиларидан бошқа) ўз мамлакатларига қўнаб кетишлари (1404 йил, 18 ноябрь).

Амир Темурнинг яна бетоб бўлиб қолиши (1404 йил, 21 ноябрь).

Хитойга юришининг бошланиши. Амир Темур лашкар билан Самарқанддан чиқди (1404 йил, 27 ноябрь).

1405 йил
18 февраль чоршанба кунги Соҳибқирон Амир Темур ўрдада вафот этди.

ХОНДАМИРНИНГ ТУҚҚИЗ АСАРИ

Маълумки, XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларида Хуросонда айниқсун, унинг пойтахти Хиротда, фан, адабиёт, меъморчилик, тасвирий санъат (миниатура ва нақшчилик), муслиқ илм ва ҳаттолик кенг ривожланган эди.

Хирот тарихчиси Хондамир (1473—1534 йй) ўз асарлари билан XVI аср бошларида фан тараққиётига салмоқли хисса қўшди. У ўн учта асар ёзган, бизгача туққизтаси етиб келган.


Улардан деярли ҳаммаси бошқа асарларда қузатиладек, сиёсий, истисодий ва маданий ҳаётнинг тарихнавис назарида муҳим кўринган барча томонларини ўз ичига олган. Аммо шунга айтиб ўтиш лозимки, XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларидаги маданий ҳаётнинг ёритилиши Хондамир иходида алоҳида аҳамиятга эга.

Хондамир ўз асарларида Хусайн Бойқоро (1469—1506) ва Алишер Навоий (1441—1501) Бойқорнинг тўғридан тўғри дурузамон, Заҳриддин Бобур (1526—1530) ва унинг ўғли Хумоюн (1530—1554)ларга замондош бўлган олимлар — тарихнавислар, риёзиётчилар, мунажжимлар, шифокорлар, шоирлар, адабиётчилар, ҳаттоғлар, мусикашунослар, санъаткорлар, шунингдек, қўзга қуринган девон арбоблари — вазири, баъзи бир муҳим мансабларнинг (парваначи, мунший, ҳофизлар) келиши чикиши ҳамда бундай мансаб эгаларининг ҳақ-хўқуқлари, вазифалари хусусида маълумотлар беради.

Хусайн Бойқоро ва унинг ўғли Бадруззамон ҳукмронлик қилган йилларда Хуросоннинг маркази бўлган Хирот, унинг тевағари ва Қандаҳорда қўпгина иншоотлар барпо этилди. Бу борада Хондамир ўз асарларида келтирган маълумотлар — бунёд этилган мактаблар, мадрасалар, хонақоҳлар, кўприклар, шифонахоналар, ҳамоомлар, шифонахоналар, қарвонсаройлар қурилганлиги билан таъмирланганлиги ҳақида келтирилган маълумотлари диққатга сазовордир.

Шундай қилиб, Хондамирнинг ҳали иллий ишларда тўла фойдаланилмаётган 9 та асари XV—XVI асрлар Марказий Осиё мамлакатлари маданий ҳаётига онд қимматли манбадир. Унда келтирилган маълумотларни муаллиф замондошлари яратган асарлари билан солиштириб ўраган Амир Темур ва темирйўлларниш Темур ва ойдлаштириш даврини янада маданият тарихини янада яхшироқ билишга қатта ёрдам беради.

Дилором ЮСУПОВА,
филология фанлари номзо-ди.



Самарқанд жаҳон меъморчилигининг нодир намуналарини ўз бағрида асраб келётган қадимий шаҳардир. Гўри Амир ва Шоҳизинда мақбаралари, Улугбек, Тиллақори ва Шердор мадрасалари, Бибиҳоним масжиди орадан неча юз йиллар ўтган бўлишига қарамай ҳамон ўзининг нафосатини, салобатини йўқотмаган. Бу қадим меъморчилигимизнинг тоғ асарлари биз учун нихотда қадри ва мўътабардир.

Неча асрлардан бери ҳаммага завқ бағишлаб келётган гузаллиқи яратган номаълум расомлар, уймакорлар, бинкорлар, меъморларга таъзим қилмоқ учун қўпгина мамлакатлардан одамлар мингларча чакрим йул босиб қадимий Самарқандга келадилар.

Самарқанднинг тинч кўчаларидан юриб, асрлар бўйи ўзининг гузаллиги, беҳирлиги ва уллуғворлиги юқотмай турган тарихий биноларга назар ташлар эканми, инсоният руҳининг уллуғворлиги ҳақида халқ маданиятининг жуда чуқур илдатилган ҳақида мулоҳаза юриятасиз. Бу биноларнинг кишини ҳайратда қолдирадиган нисбати ва оҳанглари уларни классик мусиқа билан таққослаш имконини беради.


Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанд яна қўқамлашиб, аҳойиб лафотат касб этди. Бибиҳоним масжиди, Гўри Амир, Шоҳизинда мақбаралари, Регистон меъморий маҳмуи таъмирланди. Шаҳарда жаҳонгирнинг уллуғвор ҳайкали ҳақ ростланди.

Немис ёзувчиси Вольфганг Гёте меъморчиликни қўқсак маданиятидан далолат беради.

СУХАРТО,
Индонезия Президенти.

Мен болагиндан Шарқнинг мафтуниман. Қадимий Самарқандни қуришдек орам бор эди. Бу ерда мен ўзбек халқининг гўт бой тарихига эга эканлигига яна бир қарра амин бўлдим. Самарқанднинг ноб тарихий ёдгорликлари, айниқса Гўри Амир мак-

РҮЙИ ЗАМИН САЙҚАЛИ



моқ учун қўпгина мамлакатлардан одамлар мингларча чакрим йул босиб қадимий Самарқандга келадилар. Самарқанднинг тинч кўчаларидан юриб, асрлар бўйи ўзининг гузаллиги, беҳирлиги ва уллуғворлиги юқотмай турган тарихий биноларга назар ташлар эканми, инсоният руҳининг уллуғворлиги ҳақида халқ маданиятининг жуда чуқур илдатилган ҳақида мулоҳаза юриятасиз. Бу биноларнинг кишини ҳайратда қолдирадиган нисбати ва оҳанглари уларни классик мусиқа билан таққослаш имконини беради.

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанд яна қўқамлашиб, аҳойиб лафотат касб этди. Бибиҳоним масжиди, Гўри Амир, Шоҳизинда мақбаралари, Регистон меъморий маҳмуи таъмирланди. Шаҳарда жаҳонгирнинг уллуғвор ҳайкали ҳақ ростланди.

Немис ёзувчиси Вольфганг Гёте меъморчиликни қўқсак маданиятидан далолат беради.

СУХАРТО,
Индонезия Президенти.

Мен болагиндан Шарқнинг мафтуниман. Қадимий Самарқандни қуришдек орам бор эди. Бу ерда мен ўзбек халқининг гўт бой тарихига эга эканлигига яна бир қарра амин бўлдим. Самарқанднинг ноб тарихий ёдгорликлари, айниқса Гўри Амир мак-



тиб қолган мусиқа деб таърифланган эди. Асрлар мусиқаси Самарқанд гўмбазларида жуда нафис ишланган минораларда, гузал пештоқларда ҳамон янграб турганга ўхшайди... Гузал ва бетакор бинолар қадимий Рим ва Юнониинг Миср ва Хиндистоннинг меъморий ёдгорликлари билан рақобатлаша оладиган санъат намуналари сифатида асрлар оша минг-минглаб сайёҳларнинг зиёратгоҳи бўлиб келмоқда. Зияратчилар уларнинг дил сузларида ҳайратларини изҳор этмоқдалар.

